

## Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Солиқ Кодексининг 257-моддасига асосан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни ёки сув истеъмолини амалга оширувчи:

- Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

фаолятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

тадбиркорлик фаоляти учун сувдан фойдаланувчи яққа тартибдаги тадбиркорлар;

юримдик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари **сув солиғи тўловчилар ҳисобланади.**

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юримдик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчидир.

Нотижорат ташкилотлари **сув солиғи тўловчиси ҳисобланмайди.**

Улар томонидан тадбиркорлик фаоляти амалга оширилган тақдирда, тадбиркорлик фаолятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи бўлади;

Солиқ Кодексининг 258-моддасига асосан, ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари **солиқ солиши объектидир.**

*Сув ресурсларининг ер усти манбаларига* қуйидагилар қиради: дарёлар, қўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ҳамда сув манбалари.

*Сув ресурсларининг ер ости манбаларига* артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинадиган сувлар қиради.

Солиқ Кодексининг 259-моддасига асосан, фойдаланилган сувнинг ҳажми **солиқ солинадиган базадир.**

Солиқ Кодексининг 260-моддасига асосан, **солиқ солинадиган база** сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сув истеъмолининг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоқларидаги сувдан фойдаланилган тақдирда, солиқ солинадиган база манбанинг ҳар бир тури бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

Сув етказиб берувчи юридик шахслар водопровод тармоғига сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан келадиган сув ҳажмларининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот йилининг **1 февралига қадар** тақдим этишлари керак. Давлат солиқ хизмати органлари бу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказиши лозим.

Солиқ тўловчи иссиқ сув ҳамда буғ ҳосил қилиниши бўйича солиқ солинадиган базани ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун ўзи фойдаланган сув ресурслари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Биноларнинг бир қисми, алоҳида жойлар ижарага топширилганда солиқ солинадиган база сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади.

Биноларнинг бир қисмини, алоҳида жойларни ижарага олган ва сув етказиб берувчи юридик шахс билан шартнома тузган юридик шахслар солиқ солинадиган базани мустақил равишда аниқлайди.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари солиқ солинадиган базани солиқ даврида бир гектар суғориладиган ерларни суғориш учун сарфланадиган сувнинг бутун хўжалик бўйича ўртача ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.

Солиқ Кодексининг 261-моддасига асосан, қуйидаги **имтиёзлар берилган**.

*1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:*

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган корхоналар, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади;

2) сув учун бюджетга солиқ ўтказган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

3) бирламчи фойдаланилган сув учун тўлов амалга оширилган сувдан иккиламчи фойдаланувчи сув истеъмолчилари;

4) ихтиёрий тугатилаётган юридик шахслар - тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан. Ихтиёрий равишда тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда

тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайтадан бошланган тақдирда, ушбу имтиёз қўлланилмайди ҳамда солиқ суммаси имтиёз қўлланилган бутун давр учун тўлиқ миқдорда ундирилади.

*2. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган база қуйидаги ҳажмларга камайтирилади:*

1) соғлиқни сақлаш муассасаларида даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари ҳажмига, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

2) дори воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

3) атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқазиб олинadиган ер ости сувлари ҳажмига, ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми бундан мустасно;

4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш вақтида чиқазиб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайтариб қуйиладиган ер ости сувлари ҳажмига, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектр станциялари гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ҳажмига;

б) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига.

Солиқ Кодексининг 263-моддасига асосан, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

*Сув солигининг ставкалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йилги асосий макроиқтисодий кўрастқичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори билан ҳар йили тасдиқланади.*

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳисоб-китоби сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига ***ортиб борувчи яқун билан қуйидаги муддатларда тақдим этилади:***

1) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан (қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно) ***ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай,*** йил яқунлари бўйича эса ***йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда;***

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ***йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан***

**кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай**, йил якунлари бўйича эса **йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда**;

3) ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан - **йилда бир марта ҳисобот даврининг 15 декабригача**;

4) яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан - **йилнинг ҳар чорагида йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай**.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларига давлат солиқ хизмати органлари томонидан **ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 февралидан кечиктирмай** топширилади.

Солиқ ҳисоботлари Адлия вазирлигида 2008 йил 21 январь куни 1760-сон билан рўйхатга олиниб “Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан **тасдиқланган шакллар асосида** тўлдирилади.

Солиқ Кодексининг 264-моддасига асосан, **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни** тўловчилар томонидан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида **ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай** амалга оширилади.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш йилига бир марта, солиқ давридан кейинги **йилнинг 1 майигача** амалга оширилади.

Юридик шахслар **жорий йилнинг 15 январигача** сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тўғрисидаги ёзма билдиришни белгиланган лимитдан келиб чиққан ҳолда ёки сув етказиб бериш шартномасига мувофиқ ҳар ойда ёки йилнинг ҳар чорагида эркин шаклда тақдим этадилар, қишлоқ хўжалиги корхоналари бундан мустасно.

**Масалан:** “Саҳоват” кичик корхонаси томонидан 2011 йилнинг 1 апрель ҳолатига (январь-март ойларида) 650 куб метр ер усти ва 120 куб метр ер ости сув ресурсларидан фойдаланилган.

Адлия вазирлигида 2011 йилнинг 30 майида 1760-1-сон билан рўйхатга олинган “Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ” бўйича солиқ ҳисоботи шакллари асосида:

1. 650 куб метр ер усти сув ресурсларидан фойдаланилганлиги учун 19370 (650 х 29,8) сўм;

120 куб метр ер ости сув ресурсларидан фойдаланилганлиги учун 4548 (120 х 37,9) сўм, жами 23918 сўм сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланади.

2. Корхона томонидан **ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг (апрель ойининг) 25-кунидан кечиктирмай 23918 сўм** сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси бюджетга ўтказилиши лозим.